

# ШАРТНОМА №1

Тошкент шаҳри

2022 йил “5” апрель

Кейинги ўринларда ЯТТ "Гаппоров Акобирхон Ахматович" номидан гувоҳнома асосида иш юритувчи А. Гаппоров, бир томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси номидан низом асосида иш юритувчи Т.Абраев, иккинчи томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

“Бажарувчи” ушбу Шартнома шартларига мувофиқ "Камолиддин Бехзод ҳайкалини полиэстердан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш" (до 2 н в) ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Бажарувчи”га бажарилган ишларни кабул килиш ва түловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига қўра қуйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилиш.

### 1.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

### 1.2. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний хисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул килишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилиш;

### 1.3. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топширикка биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

## III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

### 2.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 157 560 676 сўм, ҚҚС сиз ташкил этади.

2.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи 47 268 202,8 сўм миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг хисобракамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобнинг колган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичida амалга оширилади.

2.3. Ишлар бўйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси оркали Бажарувчининг хисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

3.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Шартномани бажариш ишлари 20 иш кунини ташкил этади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисбланади.

3.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси хисоб варак-фактура тузилган кун деб хисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

3.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни кабул килишни рад этишга ҳақлидир.

3.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириқка киритилган бошка номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб хисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

3.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган ишлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича кабул килинади.

Шартномада назарда тутилган ишлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

3.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор килишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод килмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан копланади.

4.4. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофиқ ҳал килинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чикадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал килинмаган низолар Тошкент шахар туманлараро иқтисодий судида ҳал килинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

6.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўскинилк қиласидан ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар харакатлар, терористик харакатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташки), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кабул килинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қиласа, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳакида шунингдек, ҳолатнинг таҳминий давомийлиги тўғрисида бошка Томонни ёзма равиша 7 (етти) кун ичida хабардор килиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вактида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос килиб ололмайди.

6.3. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

6.4. Агар форс-мажор холатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиласиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (үн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш хукукига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор холатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлик тўйайди.

### VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноконуний устунликларга ёки бошқа ноконуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиной йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга карши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таккослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо

Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга карши курашиш шартларини бузган ёки бузилиши мумкин деб гумон қиласа, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга карши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласи. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноконуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя килган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## **IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Ушбу шартнома Ўз.Р. Молия вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## **X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.3. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

9.4. Ушбу шартномага киритилган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равиша тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласи.

9.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

9.6. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

**Бажарувчи:**

**ЯТТ "Гаппоров Акобирхон Ахматович**

Манзил: Ташкент ш, Яшнабод тумани  
Мажнунтол кўчаси, 5 уй  
Тел: +998(90) 167-90-02  
Х/Р: 2021 8000 9055 0120 9001  
Банк: АТИБ "Ипотекабанк" Яшнабод ф-л.  
МФО: 00959  
ПИНФЛ: 31811822640035

Директор  Гаппоров

**Буюртмачи:**

**Ўзбекистон Бадиий академияси**

Манзил: Тошкент ш. М.Улугбек тумани  
С.Азимов кўчаси 35-үй  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Фазначилиги  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
Банк: МБ Тошкент шахар ХККМ  
МФО: 00014 ИНН: 201122919  
ИНН: 202184026 ОКОНХ: 97300  
ш/хв: 100010860262877089300051002

Бошқарма бошлиғи  Т.Абраев

*Бошқарма бошлиғи  
Директор Ҳолидатов т.к.*

4814591



Yakka tartibdagi tadbirkor davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
(Yakka tartibdagi tadbirkor)

## GUVOHNOMA



**G'APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH**

ga

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq familyasi, ismi, otasining ismi)

berildi, unga nisbatan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida 04.03.2022da 1543869 - ro'yxat raqamli yozuv kiritildi.

JSHSHIR: 31811822640035

Pasport / ID-karta: Seriyasi: AB Raqami: 4010718

Berildi: 26.05.2016

Berilgan tashkilot: ЭШАНГУЗАРСКИЙ ПОМ ЗАНГИАТИНСКОГО РОВД ТАШКЕНТСКОЙ  
ОБЛАСТИ

Uy manzili: Toshkent viloyati, Zangiota tumani, Honobod, YOQUBOV 2-TOR KO'CHASI, 38-  
UY

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Yog'och me'morchiligi (bolalar maydonchalari va park zonalari  
uchun yog'ochdan yasalgan qurilmalar, haykallar)

Faoliyat yuritadigan manzil: Toshkent shahri, Yashnobod tumani, MAJNUNTOL KO'CHASI, 5-UY..

Guvochnoma Toshkent viloyati, Zangiota tumani DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan



Amal qilish sanasi:

31.03.2024

Amal qilish sanasi(Kun, oy, yil)

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Бадий академияси Молия ва  
бухгалтерия ҳисоби бошқарма бошлиғи,

Харид комиссияси раиси

Т.Абраев  
"5" апрель 2022 йил



Ўзбекистон Бадий академияси танловнинг

2-сон

**БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

5 апрель 2022 йил

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Т.Абраев - Комиссия раиси

**Комиссия аъзолари:**

А.Пулатова - Ижодкор ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

Ў.Ахтамов - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош ҳисобчиси

А.Абдуганиев - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси

К.Норинов - Бадий академия хўжалик мудири

**Комиссия котиби:**

Г.Мирзаева - Бадий академия кассири

**КУН ТАРТИБИ:**

"Камолиддин Бехзод хайкалини полиэстердан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш"

(до2ив) хизматини муҳокама учун жойлаштириши

(Абраев, Пулатова, Ахтамов, Абдуганиев, Норинов, Мирзаева)

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ “etender.uzex.uz” электрон платформасида 2022 йилнинг 24 марта 58549 - сонли лот билан энг яхши таклифни танлаш учун 2022 йил 31 марта қадар эълон жойлаштирилди.

2022 йилнинг 31 марта қадар "XALMIRZAYEVA NILUFAR AKRAMOVNA" Якка тартибдаги тадбиркор ҳамда "G'APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH" Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан юкорида кўрсатилган хизматни бажариш учун тижорат таклифлари берилди. Комиссия аъзолари ташкилотлардан келган электрон хужжатлар билан танишишди.

Хусусан, танлов бўйича талабгор иштирокчилар томонидан таклиф этилган нархлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат ҳаридлари тўғрисида” ги Қонуннинг 56-моддаси билан “Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари” коидалари билан белгиланган тартиб-таомилга асосан тақдим этилган таклифлар қўйидаги тартибда устунликка эга эканлиги маълумот учун кабул килинди.

Таклифларни баҳолаш учун қўйидаги критериялардан фойдаланиш белгиланди: Корхонанинг карздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар **20,0** балл; Оферта, калькуляция **20,0** балл; Корхона тўғрисида умумий маълумотлар **20,0** балл; Таклиф килинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар **20,0** балл; Таклифнинг энг паст нархи **20,0** балл; Максимал балл этиб **100,0** балл белгиланди.

Танловнинг тижорат қисми ўрганилганда “etender.uzex.uz” электрон платформасида 2022 йилнинг 1 апрелдаги харид комиссияси баённомасида қўйидаги таклифлар аникланди:

№	Корхоналар номи	Бажариладиган иш (хизмат) номи	Умумий нархи
1.	ЯТТ "XALMIRZAYEVA NILUFAR AKRAMOVNA"	"Камолиддин Бехзод хайкалини полиэстердан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш" (до 2 н в) хизмати	161 778 708 ҚҚС сиз
2.	ЯТТ "G'APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH"	"Камолиддин Бехзод хайкалини полиэстердан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш" (до 2 н в) хизмати	157 560 676 ҚҚС сиз

Шу муносабат билан танлов бўйича иштирокчилар томонидан тақдим этилган иш ва хизматлар таклифи энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини макбул кетма-кетлигидан келиб чиккан ҳолда, шунингдек “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ комиссия куйидаги натижаларни аниклади:

№	Таклиф этилган ташкилот номи	Ташкилотнинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги	Ташкилотнинг Оферта, калькуляцияси	Ташкилот тўғрисида умумий маълумотлар	Ташкилот тажрибаси тўғрисида маълумотлар	Таклифнинг энг настархи	Максимал балл
1	ЯТТ "XALMIRZAYEV A NILUFAR AKRAMOVNA"	20,0	20,0	18,0	15,0	19,48	92,28
2	ЯТТ "G' APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH"	20,0	20,0	18,0	15,0	20,0	92,8

“etender.uzex.uz” электрон платформасида 2022 йилнинг 1 апрелдаги харид комиссияси баённомаси 2022 йилнинг 5 априлига кадар мухокамага кўйилди. 2022 йилнинг 5 априлига кадар хеч кандай таклиф ва эътиrozлар келиб тушмади.

ЯТТ "G' APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH" томонидан танлов бўйича талаб этилган товарлар (иш ва хизматлар) баҳолаш мезонларининг бошқа омиллари, шунингдек тавсифнома ва сифат кўрсаткичлари ҳамда бюджет маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланиш тартибига жавоб беришини инобатга олган ҳолда, мазкур иштирокчи энг макбул таклиф тақдим этган иштирокчи деб топилди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда

#### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. "Камолиддин Беҳзод ҳайкалини полиэстердан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш" (до 2нв) хизмати юзасидан ўтказилган йигилиш якуни бўйича ЯТТ "G' APPOROV AKOBIRXON AXMATOVICH" билан шартнома имзолансин.

2. Ўзбекистон Бадиий академияси бош бухгалтери (Ў.Ахтамов) юкорида таъкидланган хизматни амалга ошириш учун тўловларни Ўзбекистон Бадиий академиясининг мазкур хизматлар, ишлар учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширасин.

Келишилди:

А.Пулатова

У.Ахтамов

А.Абдуганиев

К.Норинов